

ФАРҲОД МУСАЖОНОВ

*Бир қултум  
булоқ суви*

Қисса



## ХИЛВАТДА ТЎҚНАШУВ

Уларнинг орасидаги масофа ўттиз кадамча. Олдиндагиси ҳеч нарсадан хабари йўқ хуштак чалиб, папкасини кўлида ўйнатганча кетяпти. Иккинчиси ундан кўзини узмай изма-из таъқиб этиб борарди.

«Йўқ, бу серкатнов ва гавжум кўчада унга яқинлашиб бўлмайди. Хилватроқ жой топиш керак», — дилидан ўтказди Рихсивой.

Шу пайт худди Рихсивойнинг истагини қондирмоқчи бўлгандек, Санжар паркка бурилди.

Эрта кўз бўлишига карамай бир ҳафта каттиқ совук туриб, баъзи дарахтларни анча яланғочлаб қўйган. Хиёбонларда хазон, ёзги кафелар бўм-бўш, хуллас, парк хувиллаб ётарди. Битта скамейкада кўзойнагини бурнига кўндириб пенсионер қария газета ўқиб ўтирибди, бошқа скамейкада ўрта яшар жувон нимадир тўқияпти, у ҳар замонда олдидаги коляскани оёғи билан тебратиб қўяди. Улардан бўлак кимса йўқ паркда.

Рихсивой қадамни тезлаштирди — бундай қулай жой ва вазиятни қўлдан чиқариб бўлмайди.

Катта чинор дарахти тагида Рихсивой Санжарга етиб олди. У бир ҳатлаб Санжарнинг олдига ўтди-да, йўлини тўсди.

— Тўхта!

Санжар синфдошининг шижоатини кўриб хайрон бўлди. Йўқ, сираям чўчимайди, фақат хайрон бўлди.

— Нима дейсан? — бепарво оҳангда сўради.

— Уришасанми? — Рихсивой папкасини ерга ташлаб, қўлларини мушт қилди.

— Нега энди?.. — баттар таажжубланди Санжар. — Нега энди сен билан уришишим керак экан?

Санжар баланд бўйли, кенг яғринли, бақувват ва келишган бола эди. Унинг олдида Рихсивой пачаққина: бўйни ингичка, елкалари тор, ўзи нимжон. Лекин кўзларида ўжарлик чақнарди.

— Нега одамнинг устидан қуласан? — дўқ урди Рихсивой.

— Кимнинг устидан кулибман?

— Менинг устимдан кулинг.

— Қачон? — сўради Санжар.

— Боя, катта танаффус пайтида.

Санжар елкасини қисди.

— Эсимда йўқ.

— Ким қандай овқатни яхши кўришини гапиришаётган эдик. Мен холвайтар дедим.

Санжарнинг эсига тушди ва у яна кулиб юборди.

— Э, ҳа! Холвайтар! Ўзинг кулгили гап қилдинг-да,— деди у,— иннайкейин битта мен эмас, ҳамма кулди-ку.

— Ҳамма билан ишинг бўлмасин, сен нега кулдинг? — ўда-ғайлади Рихсивой.

Йўқ, рост, қизиқ экан-ку, бу янги келган бола, икки ойча бўлиб қолди ўқиш бошланганига, шу пайтгача эътибор бермаган экан-да унга. Ўзи қилтириқ бир нарса-ку, дўқ уришини-чи?! Санжарнинг бокс бўйича ўз вазнида шаҳар чемпиони эканлигидан хабари йўқ шекилли.

— Нега кулдинг? — ўзиникини қўймасди Рихсивой.

— Одамнинг кулгиси қистагандан кейин кулади-да,— жилмайди Санжар, спорт билан шуғулланишнинг шуниси яхши-да, асабларинг маҳкам бўлади, сағалга лов этиб ёниб кетмайсан.

— Кулгинг қистайдиган бўлса солишамиз!

Санжар яна пинагини бузмади, бу ҳам спорт билан шуғулланишнинг оқибати, мард ва иродали бўлади спортчилар, бўлмаса битта урса учирворади Рихсивойга ўхшаганларни.

— Сен жуда чиранчиқ экансан-ку,— яна жилмайди Санжар.

Бу гап алам қилди Рихсивойга. Тўғри гап шунақа аччиқ бўлади-да.

— Агар яна менинг устимдан куладиган бўлсанг...— буёғига нима дейишини билмай қолди. Борди-ю, «дабдалангни чиқараман, адабингни бериб қўяман», деса яна чиранчиқлик қилган бўлар эди.

— Бўпти, хафа бўлма, ким билиб ўтирибди сени бунчалик эканингни,— ҳамсухбатини овуттишга ҳаракат қилиб ён босди Санжар.

— Қанчалик эканимни? — бўш келмади Рихсивой.

Бу хуруждан Санжар яна сал довдираб қолди.

— Ҳа... энди... шунчалик гап кўтара олмаслигингни-да!

Қизиқ, Санжарнинг сира жаҳли чиқмасди. Агар Рихсивойдан бошқа бола унга шунақа дўқ қилганида кунини кўрарди. Аммо Рихсивойдан жаҳли чиқмади. Чунки галати бола экан, қилтириққина, нимжонгина бўла туриб ўзидан ўн марта кучлироққа ташланиши — худди шу довюрақлиги, ўз кадр-қиммати учун курашиши Санжарга ёқди.

Гап бўлиниб қолганди. Санжар кечирим сўрагандек бўлди, айти пайтда: «Гап кўтаролмас экансан», деб панд ҳам берди. Бу — ҳазилини тушунмас экансан дегани-да. Шунинг учун Рихсивой унинг кечиримидан тўла қониқиш ҳосил қилмади. Қайтага қўнгли баттар гап бўлди. Санжар у ҳақда чиранчиқ, ҳазил тушунмайдиган бола экан деган фикрга келгани аниқ. Буни кош қўяман деб кўз чиқариш дейдилар. Санжар эса ёмон бола эмас экан. Босиқ, мард,

хушфезъл экан. Шундай одамда ўзи ҳақида ёмон фикр қолдиришни Рихсивой сира-сира истамасди.

У ерда ётган папкасини олди-да, индамасдан йўлга тушди. Санжар унинг ортидан эргашди.

Улар ёнма-ён кетишди. Санжар ўртадаги кичкинагина совуқчиликни аллақачон унутган, оёқ остидаги хазонларни тепиб, хуштагини чалиб борарди. Хушчақчақ, шалдир-шулдир бола экан, деб ўйлаб қўйди Рихсивой.

— Қаерда турасан? — бирдан сўраб қолди Санжар.

— «Ленинград» меҳмонхонасининг орқасида, — деди Рихсивой.

— Ие, қўшни эканмиз-ку. Нечинчи уйда?

— Янги тушган уйда.

— Ҳа, биздан уч уй нари экан. Олдин қайси мактабда ўқирдинг?

— Эски шаҳарда. Бултур уйимизни бузишгандан кейин бу ерга кўчиб келдик.

Санжар фақат одоб юзасидан, жим кетавермаслик учун ҳамроҳини гапга солаётган эди ва буни яширишга ҳаракат ҳам қилмасди.

Икки ёғи дарахтзор узун йўлка тугаб яна сершовқин кўча бошланди.

Газета киоскасининг ёнида музқаймоқ сотилаётган экан.

— Бирпас тўхтаб тур, — деди Санжар.

«Нега энди тўхтаб туришим керак экан, кетавермайдами», деб ажабланди Рихсивой. Лекин ҳар эҳтимолга қарши тўхтади. Санжар иккита музқаймоқ кўтариб келди, биттасини Рихсивойга узатди.

— Ушла!

— Керак эмас, — ерга қараб тумшугини осилтирди Рихсивой.

— Ушласанг-чи, музқаймоқдан ҳам қайтадимиз одам?!

— Ўзинг еявер, керак бўлса ўзим сотиб оламан, пулим бор, — деди Рихсивой.

— Биров сенга нулинг йўқ деярими? Бергандан кейин олаверсанг-чи. Ахир ичингда жон-жон деб турибсан-ку, — илжайди Санжар.

Рихсивой музқаймоқни энди олмоқчи эди кейинги гапдан кейин иккиланиб қолди.

— Бўпти, қарз бўлиб қолишдан қўрқсанг, кейинги гал сен олиб берарсан, — Санжар шарақлаб қулди-да, ўжар ўртоғининг қўлига музқаймоқни тутқазди.

Рихсивой музқаймоқни ҳали яримлаганича ҳам йўқ эди, Санжар ўзиникини еб бўлди. У лабларини чўччайтириб ёлборди:

— Озгина қолдир.

— Ма, — Рихсивой музқаймоғини унга узатди. Санжар яна шарақлаб қулди.

— Еявер, ҳазиллашяпман.

Бу бола борган сари кўпроқ ёқарди Рихсивойга, ҳақиқатда жуда ҳазилкаш, қувноқ бола экан.

Улар муюлишга етганда Рихсивой тўхтади. Хайрлашишдан

олдин Санжарга икки оғиз илиқ гап айтгиси, қилган қўполлигини юмшатгиси келди.

— Мана, танишиб ҳам олдик.

— Сенинг танишишинг қизиқ экан,— кулди Санжар.

Рихсивой хижолат чекиб ерга қаради. Йўқ, Санжар унга танбеҳ бермоқчи эмас эди, шунинг учун гапни ҳазилга йўйди.

— Аммо бахтли бола эканман, толе кулиб боқди менга, йўқса ҳозир ойим бечора жасадимнинг тепасида сочларини ёйиб, фарёд чекиб ўтирган бўлармидилар, агар боя чинорнинг тагида уриб ўлдириб қўйганингда!

Рихсивой юзлари ловиллаб ёнганини ўзи ҳам сизди, аммо сир бой бермасликка ҳаракат қилиб, ўлганининг қунидан тишининг оқини кўрсатди.

— Менинг ҳам толейим бор экан,— ўз кўнглида Рихсивой ҳам ҳазиллашмоқчи бўлди,— яхши ҳам бокс бўйича шаҳар чемпиони раҳм килди, ҳозир ўша чинорнинг тагида эмаклаб юриб, ҳар қаёққа сочилиб кетган ўттиз иккита тишимни териб юрган бўлармидим?

— Э, бор экансан-ку, ошна! — Санжар ўртоғининг елкасига қулочкашлаб туширди.— Гап деган бундай бўпти-да! Хўп, эрта-гача.

Рихсивой Санжарнинг тўрткисидан қалқиб кетиб, ағдарилишига сал қолган бўлса ҳам ҳазили синфдошига ёққанидан хурсанд эди.

У уйига қайтар экан, миясидан Санжар чиқмасди. Ҳа, унга қойил қолди. Зўр бола экан. Танги ва мард, ҳазилкаш ва қувноқ! Қани энди Рихсивой ҳам ўшанга ўхшаган бўла олса. Йўқ, Рихсивой унга ўхшаган бўлолмайди. Чунки гап кўтаролмайди, қўп ўйлайди, бошқаларга ўхшаб ҳозир гашириб, ҳозир унутиб кетолмайди. Босган қадамини ўлчайди, ҳар бир қилмишини тарозига солиб тортади, яхши қилдимми ё ёмон қилдимми, деб мулоҳаза юритади. Нега шунақа, а? Нега ҳар нарсаларни ўйлайверади, нега ўзининг юрагини ўзи сиқади? Нега бошқаларга ўхшаб бепарво бўлолмайди?

Рихсивойнинг юрагида пайдо бўлган хурсандчилик аста-секин сўйиб, ўрнини ғашлик қоплади.

Рост-да, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, Санжарни ўзига бино қўйган, одамларни калака қиладиган, шухратпараст болага чиқариб ўтирибди.

Бирдан Рихсивойнинг юрагида ғалати шубҳа пайдо бўлди.

Нега энди Санжар ўзидан кучсиз Рихсивой билан муштлашишдан бош тортди? Наҳотки Рихсивойдан чўчиган ва шу боис гапни ҳазилга йўйган бўлса? Аслида Санжар тилёғламачилик қилмасдан муштлашгани маъқул эди, ора очиқ бўларди-қўярди. Рихсивой чиранчиқ деган ном орттирдим деб изза бўлмас, юрагига ғаш тушмасди. Гавдаси борлигига қарамай Санжар сал кўрокрок экан... Тагин ким билади, балки Рихсивой янглишаётгандир.

Ҳарҳолда шошилиш керак эмас, одамларга баҳо беришда асло шошилиш керак эмас.

## ШАРИФЖОН АКАГА ШАРАФЛАР

Футбол ўйнагани кузга етадиган пайт бўлмаса керак. Ёзда несик, бирпасда кора терга ботиб, ҳарсиллаб қолади одам. Баҳор ҳам яхшию, аммо илик узилди палла эмасми, кўп ўйнасанг тинканг қурийди. Баҳорда футболдан ҳам кўра табиат ўзига кўпроқ чорлайди. Қир-адирларга лола сайлига чиққинг, кўм-кўк майсаларда думалаб яйрагинг келади. Қишда-ку футбол эсга ҳам тушмайди. Чана, коньки учасан, қорбўрон ўйнайсан...

Ҳа, тўп суриш борасида куздан қулайроқ фасл йўқ.

Футболга қизиқмайдиган болалар кам бўлади. Айниқса, «Пахтакор» нинг жонқуяри бўлмаган бирорга бола топилмаса керак Ўзбекистонда. Рихсивой ҳам футболнинг ашаддий ишқибозларидан. Бордию «Пахтакор» ютқазиб қўйса шундай алам қиладики, гўё энг севган нарсасини йўқотиб қўйгандек қуйиб-пишади. «Пахтакор» очколарни, Рихсивой эса тинчини йўқотади, кейинги ўйингача ўзига келолмай хуноб бўлиб юради. Хуллас, ашаддий ишқибоз деган номни Рихсивой юз фоиз оқларди.

Мактаб стадиони гавжум. Бугунги футбол матчи кўришга жуда кўп томошабин йиғилган. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. 7-«а» билан 7-«б» нинг ўйини қизиқарли ўтиши ҳаммага маълум! Одамнинг кўп йиғилишига яна битта сабаб бор, 7-«б» дарвозасини бугун Шарифжон ака кўриқлайди. Ҳа, ҳа, рақиб команданинг розилиги билан дарвозада 7-«б» нинг синф раҳбари, тарих ўқитувчиси Шарифжон ака турадиган бўлди. Эвазига 7-«а» нинг командаси мактабнинг энг зўр дарвозабони, 9-синф ўқувчиси Чоричайирни ўзларига олишди. Бу ҳақдаги эълон уч кундан бери мактаб коридорида осиглиқ турарди. Шундай бўлгандан кейин одам йиғилади-да!

Ўйинга бир ҳафта бурун тайёргарлик кўриш бошланди. Ўз командасининг шарафини ҳимоя қилишни истовчилар жуда кўп эди. Аммо маълумки, бутун синф ўйнолмайди, фақат ўн биттагина номзодни танлаб олиш керак. Бу оғир ва масъулиятли иш синф раҳбари Шарифжон ака ва команда капитани Санжарнинг зиммасига юклатилган эди.

Команданинг тўртинчи синфдан бери ўйнаб келаётган асосий состави мавжуд, гап фақат запас ўйинчилар устида борарди. Запасда ўйнашни хоҳлаган болаларнинг рўйхатиغا Рихсивой ҳам ўз фамилиясини ёздириб қўйди. Янги келганлиги туфайли унинг қандай ўйнашини болалар хали билмасди, шунинг учунми ҳеч ким унинг фамилиясига эътибор бермади. Фақат Шарифжон ака шунчаки номга: «Нечанчи номерда ўйнардинг?» деб сўраб қўйди. «Ўнг қанот ҳужумчиси», деди Рихсивой, ўқитувчиси эшитдими, эшитмадими билмади.

Лекин бугун, ўйин бошланишидан олдин Санжар, «тайёр бўлиб тур, ўйинчи алмаштирсак, майдонга биринчи сен тушасан», деб қолди. Бу қарорга у Рихсивой билан кечаги бўлган тўқнашувдан кейин келган эди. Анчагина қайсар, ўз кадрини биладиган бола

экан, бундайлардан яхши спортчилар чиқади, охиригача жон-жаҳди билан курашади улар, деб ўйлади Санжар.

...Ўйин 7-«а» командасининг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Шарифжон ака уч-тўртта жуда кийин тўпни ушлаб қолди. Йўқса аллақачон ҳисоб 3:0 ё 4:0 бўлиб кетарди ракиб фойдасига. Ҳа, роса ҳам олқишга сазовор бўлди Шарифжон ака.

Бир марта Чоричайир ҳам ҳунарини кўрсатди. Санжар зарб билан тепган тўп замбарак ўкидек дарвозанинг тепа бурчагига қараб учди. Санжар ҳам, бошқа болалар ҳам гол бўлади, деб севинчдан қўлларини кўтариб сакрашганини билишади. Чоричайир ақл бовар қилмайдиган бир эпчиллик билан тўпга ўзини отиб илиб қолди. Маймундан баттар сакронғич экан қурмагур!

Бўлди қарсақ, бўлди қарсақ! Ҳатто ракиб команданинг иш-кибозлари ҳам Чоричайирнинг маҳоратига тан бериб қарсақ чалиб юборишди.

Ўйин борган сари кескин тус ола бошлади. Лекин 7-«а» — нинг устунлиги сезилиб турарди. Уларнинг маҳорати ҳам, тегилиги ҳам 7-«б» дан юқорироқ эди. Минг қилса ҳам уларда учта профессионал бор эди-да. Учталаси ҳам «Пахтакор» командаси қошидаги болалар махсус футбол секциясига қатнарди. Шунинг учун — ўзларига ишонганлари учун ракиб дарвозасини Шарифжон ака кўриқлашига рози бўлишганди.

7-«а» ҳужум устига ҳужум уюштираверди ва ниҳоят ракиблар ҳимоячиларни довдиратиб қўйиб, ҳисобни очишди. Тўпни бирикчи бўлим тугашига икки минут қолганида марказий ҳужумчи киритди. Икки минут қолганда-я! Шуниси алам қилади-да! Аммо ўзи ҳам ёмон зўр куч билан тепган экан, тўп Шарифжон аканинг қўлига тегиб дарвоза тўрига тушди.

Командалар 1:0 ҳисобида танаффусга чиқишди.

Ҳам дарвозабонлик, ҳам тренерлик вазифасини ўтаётган Шарифжон ака болаларни дарвоза ортига бошлаб ўтди.

— Ўтириб, дам олинглар, — деди.

Хориб толиққан, терга ботган болаларнинг баъзилари чордана қуриб ўтиришди, баъзилари чалқанчасига ерга ётишди. Болалар сал нафасларини ростлагандан кейин:

— Қойил, яхши ўйнадинглар! — деди Шарифжон ака. — Буни у шунчаки болаларнинг кўнглини кўтариш учун эмас, сидқидилдан айтди. — Лекин икки оғиз гапим бор, иккинчи бўлимда қандай ўйнаш ҳақида...

Ерда узала тушиб ётган ярим ҳимоячи туриб ўтирмоқчи бўлиб жойидан қўзғалган эди, Шарифжон ака қўймади.

— Йўқ, йўқ, ётавер! Бошқалар ҳам пинагини бузмасин. Ҳа, фақат эшитсанглар бўлди. Гап бундай. Биринчи бўлимда нега ракибнинг қўли балаңд келди? Бунинг сирини битта, улар ўйиннинг бошидан охиригача ҳаммаси курашга сафарбар бўлди. Фикримни ҳозир равшанроқ тушунтириб бераман. Дейлик, ҳужумга ўтса ҳаммаси бирдан ўтади, ҳимоя қилиш керак бўлса ҳаммаси бирдан ҳимоя қилади. Уларнинг ҳар бир ўйинчиси ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам бирдек яхши ўйнапти. Биз-чи? Ҳужумга ўтсак



**Lituz.com**

**To'liq qismini  
Shu tugmani  
bosish orqali  
sotib oling!**